Узбекистон — келажаги буюк давлат

RESPUBLIKASI SILLIY KITOB PALATASI

1991 йил 1 январдан чика бошлаган

Сотувда эркин нархда Nº 25 (2322)

вофиклаштирувчи Кенгашнинг

доимий ишловчи комиссияла-

ри билан ҳамкорликда Респуб-

лика илмий-амалий конферен-

цияси, худудий семинарлар-

да, шунингдек, махаллий ва

хорижий тадбиркорлар томо-

нидан билдирилган эркинлаш-

тириш ва иктисодий ислохот-

парни чукурлаштириш бўйича

таклифларни умумлаштирсин,

улардан хукукий меъёрий хуж-

жатлар, хукумат қарорлари

лойихаларини, иктисодий ис-

лохотларнинг устувор йўна-

лишларини амалга ошириш

фойдалансин.

си хукумати:

механизмини ишлаб чикишда

8. Узбекистон Республика-

иктисодиётни янада эркин-

лаштириш ва ислохотларни

чукурлаштиришнинг асосий

устувор йўналишларини амал-

га оширишга қаратилган чора

тадбирларни ишлаб чиксин

Бунда устувор йўналишларни

аниклаш, самарали механизм,

кучли рагбатлантирувчи ва ка-

фолатловчи тизимни яратиш.

уларни амалга ошириш жад-

дий ислохотларни чукурлаш-

тиришга қаратилган ҳуқуқий

замин яратиш мақсадида, 2000

йилда биринчи навбатда кабул

қилиниши зарур бўлган қонун-

лар тўгрисидаги таклифни иш-лаб чикиб, Узбекистон Рес-

публикаси Олий Мажлисига

такдим этсин.
9. Ўзтелерадио, ЎзА, омма-

ишлаб чикилган устувор

йўналишларга мувофиқ тарзда

иктисодиётни эркинлашти-

риш, иктисодий ислохотлар-

ни чукурлаштириш жараёнла-

бераётган, ислохотлар йўлида-

ги мавжуд тўсиқ ва говларнинг

сабаблариии атрофлича тахлил

этсин, давлат ва назорат идо-

ралари томонидан йўл қўйи-

лаетган тадбиркорлар фаолия

тига субъектив караш, асоссиз

аралашиш ҳоллари дадил тан-

лохотлар йўлини амалга оши-

ришда муваффакиятларга эри-

корхоналар ва бошка хўжалик

юритувчи субъектлар хамда

худудлар тажрибаси кенг тар-

гиб қилинсин ва тушунтирил

шаётган тадбиркорлар, қушма

иктисодий фаолиятла, ис

олға силжишимизга халақит

вий ахборот воситалари:

рини кенг ёритсин:

кид килинсин;

эркинлаштириш ва иктисо-

валини тасдикласин;

4 феврал

<u> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ</u>

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ президенти хузуридаги МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК KEHLAMNHNHL WAXVNCN

2000 йил 3 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг мажлиси бўлди.

Мажлисни мамлакат Президенти, Миллий хавфсизлик Кенгаши Раиси Ислом Каримов

Мажлисда ҳарбий қурилиш, Куролли Кучларни ислох килиш, давлат мудофаасининг сифат жихатидан янги тизимини шакллантириш билан боғлиқ долзарб масалалар кўриб чикилди, Узбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси мухокама қилинди ва маъқулланди.

Мажлисда алохида геополитик ўрин эгаллаб турган Марказий Осиё минтакаси хозирги пайтда халқаро террорчилик, диний экстремизм ва акидапарастликни ёйишга, минтақадаги мамлакатларни ўзлари танлаган демократик таракқиёт йўлидан қайтаришга уринаётган экстремистик кучлар ва диверсион-купорувчи марказларнинг ўта манфаатдор объектига айланаётгани қайд этилди. Наркобизнес ва гайриконуний курол-аслаха савдоси кўламининг кенгаяётгани хавфсизликка жиддий тахдид солмокда. Бундай шароитда давлатнинг энг мухим вазифаси Мудофаа вазирлиги, чегара ва ички қушинларнинг тезкор, замонавий қурол-аслаҳага эга, профессионал жихатлан яхши тайёрланган бирлашма ва қисмларини ташкил этиш, мамлакатнинг ягона химоя ва мудофаа тизимини, барча кушин турлари ва харбий бўлинмалари, хукук-тартибот идоралари ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизми-

ни шакллантиришдан иборат.

«Навоийпахтасаноат-

бирлашмаси ўтган йилги

сотиш» хиссадорлик

мехнат натижаларига

кўра мамлакатимиз

тармоқ корхоналари

сифатли пахта толаси

етказиб бериб, буюртма-

чиларнинг талабларини

ЧЕТ ЭЛДАН

мунтазам равишда ўз

Швейцариянинг «Доно-

«Гринкер», Италиянинг

Британиянинг «Бауман»,

Сингапурнинг «Кожи-

кот» сингари фирма ва

компанияларидан жорий

йилда хам хамкорлик учун

Швейцариянинг «Паул

Рейкхарт» компанияси-

нинг фахрий ёрлиги ва

жаноб Б. Низамутдинов

жамоага такдим этганли-

«Узпахтасаноатсотиш»

вант», Голландиянинг

вақтида қондириб келганликлари туфайли

«Индукент», Буюк

ташриф қоғозлари

олдилар. Айниқса,

уни компаниянинг

ги баракали мехнат

намойиши бўлли.

жамоани «Нексия»

эътирофининг ёркин

компанияси эса голиб

автомашинаси билан

такдирлади. Навоийлик

пахта тозаловчилар 112

минг 830 тонна пахтани

қайта ишлаб 34 минг 97

тола олдилар. Махсулот-

мамлакатларига сотилди.

Жорий йилда бирлашма-

тозалаш заводида 126 минг

п. жумаев.

«Халқ сўзи»

мухбири.

га қарашли учта пахта

80 тонна хомашё қайта

тонна юкори сифатли

нинг 92 фоизи хориж

Тошкентдаги вакили

ўртасида голиб деб

топилди. Хорижга

Узбекистон Республикаси Миллий хавфсизлиги концепциясининг принципиал ўринларига, мамлакат ва минтаканинг хавфсизлиги, тинчлиги ва барқарорлигига тахдид солаётган кучларни чукур ўрганишга асосланган холда Мудофаа доктринаси харбий курилиш, ишончли мудофаани давлатнинг худудий яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлашга доир асосий тамойилларни белгилаб бера-

Ишлаб чиқилган доктрина мутлақо мудофаавий хусусиятга эга булиб. Узбекистон Республикасининг тинчликпарвар сиёсати ифодасидир. Мажлисда умумий хавфсизлик тамойилидан келиб чиққан холда, Марказий Осиё давлатларининг минтакада тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасидаги саъйхаракатларини бирлаштириш зарурлиги таъкидлан-

Доктринада вазирлик ва идораларнинг, давлат ва нодавлат ташкилотлари ва муассасаларнинг мамлакат мудофаа салохиятини таъминлаш борасидаги ўрни ва масъулияти белгилаб берилган. Доктрина қоидаларини амалга ошириш Ватанимизнинг хар бир фукароси учун муқаддас оурч

Мухокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

"HOBATOP" **МАХСУЛОТЛАРИ** — ХОРИЖГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги ислохотлар ва инвестициялар буйича Идоралараро мувофиклаштирувчи Кенгашнинг KAPOPH

Эркинлаштириш ва Узбекистонда амалга оширилаётган иктисодий ислохотларни янада чукурлаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида

Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маърузасини эшитиб ва мухокама килиб, Идоралараро мувофиклаштирувчи Кенгаш КАРОР КИЛАЛИ:

ришга, дехконлар тафаккурида

эгалик хиссини тарбиялашга

каратилган кишлок хужалигила-

ги иктисодий ислохотларни чу-

қурлаштириш, мерос қилиб

қолдириш хуқуқига эга бўлган

ижара мулкчилиги муносабатла-

рини жойларда жорий этиш,

шартнома муносабатларининг

аник ва тушунарли механизми-

ни амалда шакллантириш, шарт-

нома мажбуриятларининг кать-

ий бажарилиши учун назорат ва

ва банк тизимини ислох этиш-

ни янада чукурлаштириш, банк-

ларнинг мажбуриятлари бўйича

тўловлар ҳамда кредит бериш

имкониятларини, ўз капитали-

ни кўпайтириш, уларнинг ин-

вестиция жараёнидаги иштиро-

инфратузилмаси ва унинг биз-

несга хизмат кўрсатиш билан бе-

восита боглик булган барча инс-

титутларини устувор тарзда ри-

олтинчидан, иктисо-диётда таркибий ўзгаришларни

аниқ мақсадни кўзлаб амалга

ошириш, замонавий илгор тех-

қобатбардош маҳсулотлар ишлаб

чиқарувчи мукаммал технологик

жараёнларни устувор ривожлан-

катнинг экспорт салохиятини

ривожлантириш ва мустахкам-

лаш, ташқи иқтисодий фаоли-

ятни, биринчи галда, валюта бо-

зорини эркинлаштириш, мил-

лий валютани жорий операция-

хукумати, вазирликлар, идора-

лар, Қорақалпогистон Респуб-

ликаси Вазирлар Кенгаши, ви-

лоят, шахар ва туман хоким-ликлари Узбекистон Республи-

каси Президенти Ислом Каримов-

нинг иккинчи чакирик Олий

Мажлиснинг биринчи сессияси-

да сўзлаган батафсил нутқи ва

Идоралараро мувофиклаштирув-

чи Кенгаш йигилишидаги маъ-

рузасида баён этилган асосий

вазифа ва йўналишларни ўз ама-

лий фаолиятлари учун дастури-

ичида Кенгашда мухокама

қилинган масалалар буйича Рес-

публика илмий-амалий конфе

3. Келишилган яқин вақт

4. Республика вилоятларида

мамлакатларига экспорт қилмоқда.

тинимсиз изланмокда.

Бундан саккиз-тўққиз йил муқаддам республикамизга

автомобиллар ва қишлоқ хўжалик техникалари учун ўта

зарур ва ноёб бўлган эхтиёт қисм — поршенлар Россия ва

бошқа мамлакатлардан келтириларди. Буни қарангки, бу-

да ва ўз эхтиёжидан ортганини ўнга якин Хамдўстлик

заводларида Тошкентдаги "Новатор" корхонасида ишлаб

чиқарилаётган поршенлар муваффақиятли синовдан ўтди

ва Россиянинг хар икки гигант автомобил заводи "Нова-

тор" махсулотларининг буюртмачилари сафидан ўрин олди.

Шунингдек, мазкур ишлаб чиқариш корхонаси Белорус ва Россиянинг Новгород шахрида ўзининг ваколатхонасини

очди. Айни пайтда корхона жамоаси ўз махсулотлари

турини кўпайтириш ва янгиларини яратиш мақсадида

СУРАТЛАРДА: чилангар Умид Абдухўрозов ўз мех-

натидан мамнун; тайёр махсулотлар ўз эгаларини кут-мокда; нлгор ишчи Вера Радионова ва Денис Конков иш

Якинда Россиянинг Тольяти ва Горький автомобил

гун Узбекистон бу махсулотларни ўзида ишлаб чиқармоқ-

ламал деб белгиласинлар.

лар бўйича эркин алмашувини

2. Ўзбекистон Республикаси

нологияларни жорий этиб, ра-

бешинчидан, бозор

кини кенгайтириш;

вожлантириш;

тириш;

тўртинчидан, молия

масъулиятни кучайтириш;

1. Белгилаб қуйилсинки, . жамиятимизни, айникса, иктисодий сохани ривожлантириш ва ислох килишнинг хозирги боскичидаги асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- бизнинг олға ҳаракат килишимизнинг асоси ва кафолати, иктисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларни хал этишнинг бош шарти - эр кинлаштириш ва иктисодий ислохотларни чукурлаштириш-

дир; — Ўзбекистон иқтисодиётининг жахон иктисодий тизимига кенг интеграциялашуви, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мустахкамлаш, мамлакат иктисодиётига хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, банк ва молия сохасида, реал иктисодиётда, биринчи галда, етакчи тармокларда чет эл капитали иштирокини кўпайтириш учун барча зарур шарт-шароитларни

Куйидагилар эркинлаштириш ва иктисодий ислохотларни чукурлаштиришнинг асосий устувор йўналишлари деб хисоблансин

биринчидан, хужалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иктисодий мустакиллигини ошириш, давлатнинг назорат қилиш ва бошқариш функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашувини чеклаш, хусусий тадбиркорликка, бозор ва иктисодиёт нинг бозор муносабатлари асосида ишлайдиган механизмларига янада кўпроқ эркинлик бериш; иккинчидан, кичик

ва ўрта бизнес жадал ривожланиши учун ташкилий ва иктисодий шарт-шароитлар. хукукий замин яратиш, унинг ялпи ички махсулот ишлаб чиқаришдаги, ахоли даромадларини шакллантириш, бандлик муаммоларини ҳал этишдаги ролини ошириш, тадбиркорлик тузилмаларининг хомашё, айникса, кредит ресурсларидан, асбоб-ускуна ва материаллардан, ўз махсулотини сотиш бозорларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, янги иш бошлаётган талбиркорларга молиявий ёрдамни кучайтириш, уларга микрокредитлар ажратишнинг яхлит тизимини яратиш;

ренциясини ўтказиш зарур деб учинчидан, хисоблансин. аввало, кишлокда хусусий мулкчилик шаклларини ўзгартикелишилган жадвал буйича муайян худуд учун долзарб бүлган муаммоларни хисобга олган холда ишлаб чикилган аник мавзулар асосида семинарлар ўтказилсин.

Худудий семинарларда мавжуд вазиятта танқидий баҳо берган холда куйидаги масалалар буйича амалий таклифлар ишлаб чикилсин: - кичик ва ўрта бизнес, ху-

сусий тадбиркорликни ривожлантириш: объектларни хусусийлаштириш, корхоналарни акциядор-

лик жамиятларига айлантириш ва мулкдорлар синфини шакллантириш; чет эл инвестицияларини жалб қилиш, хорижий сармоя-

дорлар иштирокида қушма корхоналар ташкил килиш; - жойларда ижара муносабатларига ўтиш, шартнома мажбуриятларини бажариш бораси-

даги жавобгарликни ошириш. 5. Куйидагилар мазкур Республика конференцияси ва худудий семинарларнинг асосий вазифаси ва пировард максади деб хисоблансин:

биринчи - амалдаги қонунчилик ва меъёрий хужжатларни танқидий бахолаш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислохотларни чукурлаштириш та-лабларидан келиб чиққан холда уларни тўлдириш ва ўзгартиришта оид керакли таклифлар киритиш;

иккинчи - тадбиркорликка янада кўпрок эркинлик бериш, давлатнинг корхоналар хўжалик фаолиятига ва биринчи навбатда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш максадида хўжалик механизмини такомиллаштиришга қаратилган амалий тадбирлар ишлаб чиқиш.

6. Республика илмий-амалий конференцияси ва вилоятлардаги семинарларни юксак савияда ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги шахсий жавобгарлик Идоралараро мувофиклаштирувчи Кенгаш раисининг ўринбосари (Бош вазир У.Т.Султонов), Кенгашнинг доимий ишловчи комиссиялари рахбарлари ва Узбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иктисодий сиёсат масалалари бўйича маслахатчисининг хизмати зиммасига юклатилсин.
7. Узбекистон Республикаси

Президентининг ижтимоийиктисодий сиёсат масалалари бүйича маслахатчиси хизматига (В.А.Голишев) Идоралараро му-Кенгаш Раиси,

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шахри 2000 йил 1 феврал.



ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИГА ЯНГИ ЙЎЛЛАНМАЛАР

Малайзияда ўқ отиш бўйича Осиё чемпионати нихоясига етди. Унда 32 мамлакат спортчилари Сиднейда ўтказиладиган Олимпиада ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритиш учун

Кескин рақобатда ўттан курашларда ғолиб бўлган ўзбекис-гонлик икки спортчи қиз Юлия Шахова билан Алёна Аксёнова Сидней Олимпиадасига йўлланма эгаси бўлди. Энди Олимпия ўйинларида ўқ отиш бўйича мусобақаларда юртимизнинг уч спортчиси қатнашади. Дилшод Мухторов қизлардан олдин, ўттан йили йўлланма сохиби бўлган эди.

(Y3A)

ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ **КАТЪИЙ КУРАШ**

н. мухаммаджонов

олган суратлар.

20 та араб мамлакатлари ички ишлар вазирлари террорчиликнинг хар қандай кўринишига қарши қатый кураш олиб бориш тўгрисида ўзаро келишувга эришдилар ва шу жихатдан, Жазоирнинг ислом террорчилигини бартараф этишга қаратилган саъй-харакатларини ёқлаб

Жазоирда кеча ўз ишини якунлаган конференцияда террорчилик, уюштан жиноятчилик ва наркотик моддалар билан тижорат қилишта қарши кураш масалалари мухокама қилинди. Вазирлар «Жазоир декларацияси»ни қабул қилишиб, унда БМТнинг мамлакатлар ва халқлар хавфсизлиги хамда осойишталигига тахдид солиб келаётган террорчиликка қарши кураш буйича халкаро конференция ўтказишга доир ташаббуси маъкулланди.

Вазирлар Жазоир Прези-

денти Абдулазиз Бутефликанинг саккиз йилдан буён қуролли қупорувчилик ҳаракатлари билан шуғулланиб келаётган ислом экстремистларининг вахщийликларига чек қуйиш мақсадида олиб бораётган курашини қуллаб-қувватладилар.

А. Бутефлика конференцияда нутк сўзлаб, Жазоирда содир этилаётган хунрезликларнинг чўзилиб кетишига баъзи араб ва мусулмон мамлакатлари хайрихохлик курсатаётганлигини таъкидлади ва бундай ахвол, агар қолган давлатлар ўзаро мувофиклаштирилган сиёсат олиб

бормаса, уларнинг бошига ҳам тушиши мумкинлигидан огох-

Жазоирлик расмий шахслар бунда ўз худудларидаги машгулот ўтказиладиган лагер ларда ислом жангариларига харбий тайёргарликдан ўтиш учун шароит яратиб берган Сурия, Судан, Ливия ва Аф**гонистон каби мамлакатлар** назарда тутилаётганлигини ўз баёнотларида айтмоқдалар.

Шунингдек, жазоирликлар Форс кўрфазидаги номи тил га олинмаган бир қатор араб давлатларини Жазоирнинг қонуний фукаролик хукума тини агдариб ташлашга интилаётган ислом экстремистларини молиявий қуллаб-қувватлаётганликда айбламокда лар, деб хабар қилади ИТАР-ТАСС агентлиги.

ИКТИСОДИЁТНИ **ЭРКИНЛАШТИРИШ HCTHKEONH**

Аввал хабар қилинганидек, шу йил 1 феврал күни Узбе-кистон Республикаси Президенти хузуридаги Ислохотлар ва инвестициялар буйича идоралараро мувофиклаштирувчи кенгашнинг йигилиши бўлиб ўтди. Нафакат ушбу кенгаш аъзолари, балки халқаро молия, иктисодий ва юридик ташкилотлар, Узбекистонда аккредитациядан ўтган нуфузли халкаро банк ва компанияларнинг вакиллари, мамнакатимизда самарали фаолият кўрсатаётган йирик



кўшма корхоналарнинг рахбарлари хамда махаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг журналистлари хам иштирок этган мазкур йи-*FUЛИШОА атиги* битта, аммо камрови жихатидан кенг ва хал килувчи масала - республикамизда амалга оширилаётган иктисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чукурлаштириш масаласи кўриб чи-

Президентимиз ўз маърузасида нега айнан шу масала кун тартибига куйилганлигининг сабабларини бирма-бир, теран ва мантикан изохлар экан, жумладан, шундай деди: «Мен оддий бир хакикатни барча тушуниб олишини истайман: эркинлаштириш ва ислохотларни чукурлаштириш - бу бизнинг олга интилипимизнинг кафолати ва асоси, у нафакат иктисодий, балки хам ижтимоий, хам сиёсий вазифаларни хал қилишиниг асо-

Маълумки, бундан туккиз йил мукаддам Юртбошимиз ташаббуси ва бевосита рахнамолигида мустакил мамлакатимиз иктисодиётини ислох килишнинг устувор йўналишлари, уларнинг асосий максад ва вазифалари белгилаб берилган эди. Ўтган қисқа давр мобайнида бунёдкор халкимизнинг гайрат-шижоати туфайли бу борада қатор ютуқларни қулға киритдик. Лунда килиб айтганда, мамлакатимиз чукур иктисодий таназзул давридан ўтиб, макроиктисодий ва молиявий баркарорликка эришди. Иктисодиётда бошкарув тизими тубдан ўзгартирилди, унда нодавлат секторнинг мавкеи тобора ошиб бормокда. Бозор инфратузилмаси асослари барпо этилди. Амалга оширилаётган ислохотларга кафолат сифатида хизмат килувчи мустахкам хукукий замин яратилди. Мухими, одамларнинг тафаккури ва дунёкараши бутунлай ўзгараётир. Буларнинг хаммасини хатто жахон хамжамияти хам эъти-

Бироқ биз ўз олдимизга хукукий демократик давлат, эркин фукаролик жамияти барпо этиш, Узбекистоннинг бутун дунёда халқаро ва жахон хўжалик алоқаларининг тенг хуқуқли субъекти сифатидаги мавкеини янада мустахкамлашдек улугвор вазифани қўйган эканмиз, эришилган ютуқлар жозибасидан асло қониқмаслигимиз керак. Президентимиз таъкидлаганидек агар биз ислохотларни чукурлаштирмасак, иктисодиётни янада ислох қилиш учун зарур хуқуқий, ташкилий ва амалий шарт-шароит яратмасак, факаттина шакллан-ган мавжуд вазият билан чекланиб қолсак, айрим тармоқ ва сохаларда ислохотлар суст бораётганига нималар сабаб бўлаётганини атрофлича тахлил килмасак, бу хол иктисодиётни баркарорлаштиришта эмас, балки унинг бир жойда депсиниб туриб қолишига олиб келади. Қолаверса, биз бугун янги аср бусағасида, янги минг йиллик арафасида, жамиятни ривожлантиришнинг шундай масъулиятли босқичида турибмизки, ҳаётнинг ўзи келажагимизни аниқ ва равшан тасаввур этишимизни, бугунги мавжуд муаммоларни зудлик билан бартараф қилишимизни, тўгрироги, иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштиришнинг асосий устувор ишлаб чиқишимизни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизнинг келгусидаги тараққиёти учун ғоят долзарб бўлган ана шу масалаларнинг мохияти нималардан иборат? Иккинчи чакирик Олий Мажлиснинг биринчи сес-

сиясида бўлганидек, Идоралараро кенгашнинг йигилишила хам иктисодиётнинг барча сохалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан амалга ошириш ва иктисодий ислохотларни чукурлаштириш бирламчи масала килиб куйилди. Бунинг ахамиятини билиш учун баъзи далилларни келтириб ўтайлик. Мустақиллик йилларида фақатгина хўжалик субъектлари фаолиятига давлатнинг аралашувини камайтириш хисобига мавжуд ишлаб чикариш салохиятидан, мехнат ва ер-сув ресурсларидан окилона фойдаланиш имконияти яратилди. Шугина эмас Давлат томонидан ортикча сармоя сарфланмасдан, ички имкониятларни ишга солиш туфайли барча тармоқларда қушимча махсулот ишлаб чиқаришга, унинг сифатини яхшилаш, рақобатбардошлигини ошириш, ахоли даромадларини купайтиришга эришилмокла.

Утган йилнинг 1 октябридаги холатига кура, шунингдек, руйхатдан утказилган 178,2 минг юридик шахснинг 159,1 мингини (89,3 фоиз) кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этиши хам бу соханинг хар томонлама қуллаб-қувватланаётганининг самарасидир. Таққослаш учун яна бир далил: бултур 9 ой мобайнида ялпи ички махсулотда кичик ва ўрта бизнеснинг салмоги 12,3 фоизга, шу жумладан, ишлаб чиқарилган саноат махсулотида уларнинг хиссаси 10,2, қишлоқ хўжалиги махсулотида 69,6 фоизга тенг бўлди. Бугунги кунда кичик ва ўрта корхоналарда мамлакатимизда иш билан банд ахолининг 10,5 фоизи (930 минг киши) ишламоқда.

Кўриниб турибдики, хусусий бизнес - катта куч. Аммо, таассуфки, хусусий тадбиркорлар бозорда ўз ўрнини эгаллаціда қамон давлат идораларидаги амалдорлар ва бюрократларнинг тўсикларига дуч келаётганлари сир эмас. Иқтисодиётни эркинлаштириш йўлидаги асосий вазифа эса давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик фаолиятини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашдан иборатдир. Бунинг учун тегишли хукукий замин, ташкилий ва иктисодий шарт-шароитлар яратилиши зарур.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, шу билан бирга, унинг асосий негизи - қишлоқ хужалигидаги ишлар ахволини яхшилаш, хусусан, ширкат хўжаликларини шакллантириш, жамоада пайчилик муносабатлари ва оила пудратини жорий қилиш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнеснинг иктисодиётимиздаги мавкеи ва ўрнини мустахкамлаш, иктисодиётда аниқ мақсадларни қузлаб таркибий узгаришларни амалга ошириш, мамлакат иктисодиётига чет эл капиталини жалб этишни кафолатлаш ва рагбатлантириш учун мукаммал шарт-шароитлар яратиш, ташқи иктисодий фаолиятии, энг аввало, валюта бозорини эркинлаштириш, миллий валютамизнинг жорий операцияларда эркин алмашувини таъминлаш билан v3вий богликдир. Йигилишда мазкур сохалар буйича хам килиниши лозим булган долзарб вазифалар белгилаб

«Олдимизда турган мухим вазифалардан яна бири бу асосий устувор йўналишларни аниклаштириш, конкрет маъно-мазмун билан тулдириш, уларни руёбга чикаришнинг харакатлантирувчи механизмини, кучли рагбат ва кафолатлар тизимини яратищдир», - деди пировардида Президент.

Янги 2000 йилда ва XXI асрнинг бошида республикада иктисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чукурлаштириш борасидаги ана шу ишларни хаётга татбиқ этиш натижасида давлатимиз қудрати янада ортади, мустакиллигимизни мустахкамлаш, юртни обод қилиш, халқ фаровонлигини яхшилаш йўлида янгидан-янги ютукларга эришилади

И. ЎТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири,

Мамлакатимиз бўйича казиб олинаёттан табиий газнинг 88 фоизи, нефт-нинг 92 фоизи Кашкадарё вилояти хиссасига тўгри

Муборакгаз, Шўртангаз, Кўкдумалок нефть кони ва бошка иншоотлар мамлакатимиз тараккиётига салмокли улуш қўшаётир. Энди узингиз ўйланг. Мустакилликка кадар хам ана ку. Шундай бўлса-да нега шахар, кишлоклатабиий газ ўтмаганди? Шу ўринда бир мисолни келтирмокчиман. Ислом Каримов Қашқадарёга ишга келган вақтда қишпокларни газ билан таъминлаш 4 фоиз эди. Табиий газимиз Уралгача етиб борган бир вактда Муборак газни кайта ишлаш заводидан 8-9 кипометр нарида жойлашган Қарлик, Хужамуборак каби кишлокларда аёллар ўчокка таппи ёкишиб, дуддан кўзлари вшланиб юришарди. Уларнинг кўзидан ёш окизган факатгина шу дуд, шу тутун эдими? қарамлик эди. Шунинг учун хам едириб, ичириб, яна бокиманда деган маломатларни эшитсак-да, чурк этолмасдик.

ашқадарёда Ислом ∧ Каримов уч йил ишлаган булса, шу даврда қишлокларни газлаштириш 30 фоизга етказилди. Бу осонликча бўлмаган. Буларни нима учун эслаяпмиз? Айтмоқчимизки, Юртбошимиз халққа қулайлик яратиш, хонадонларни газлаштириш ишларига ўша пайтдаёқ асос солган. Энди бу ривожлантирилмок-

Мен куп газчилар, нефтчилар билан гаплашдим. Уларнинг гап-сўзларидан шуни англадимки, Ислом Каримов Кашкадарёда ишлаган пайтда шу сохани мукаммал ўрганган. Унинг ич-ичига кириб борган.

– Ўша пайтда Муборак газни кайта ишлаш заводи ва Муборак иссиклик энергия «Sankkarian, aastabban Karan Baarin

маркази жуда ночор ахволга тушиб қолганди, - дейди «Муборакнефтгаз» конлари бошқармаси бошлиғи, Олий Мажлис депутати Нуриддин Зайниев Мен ўшанла обкомла бўлим мудири бўлиб ишлардим. Ислом Каримов Муборак газни қайта ишлаш заводи ва иссиқлик энергия марказига бир неча марта борган.

 Нафақат заводга борган, дейди фахрий газчи Иван Родионович Келеш, — Уртабулоқ, Зеварда, Кўкдумалоқ каби конларда кўп бўлган, газчилар, нефтчилар билан жуда кўп учрашган. Уларнинг хаётини чукур ўрганган.

Маълум бўлаяптики, нефть ва газ саноатини ривожлантиришга Ислом Каримов ўша пайтдаёқ асос солган.

Таъкидлаш лозимки, -дейди Нуриддин Зайниев, -Ислом Каримов бир ишга киришса, охирига етказмасдан кўймасди. Газ ва нефть саноати муаммоларини профессионал, малакаси юқори мутахассис даражасида тахлил эта оларди. Ростини айтсам, у кишининг иш суръатига бизлар дош беролмасдик. Мушохада доираси бағоят кенг, кувваи хофизаси шу қадар кучли эдики, ҳайратланмай илож йўк эди. Шу ерда бир мисолни айтай. Муборак газни кайта ишлаш заводи ва иссиклик энергия марказига оид хат тайёрлаш керак бўлиб қолди. 1,5-2 қоғозлик хатда ўша ердаги ахволни батафсил айтиш керак эди. «Заводни ва иссиклик марказини кўрмаган, билмаган одам ҳам шу хатни ўқиса, дархол ўша ердаги ахволни кўз олдига келтира олсин». Ислом Каримов шундай талаб қуйганди. Натижада бир эмас, бир неча марта ўша ерда бўлиб, ахволни ипидан игнасигача синчиклаб ўргандим. Шу туфайли газ ва нефть саноати муаммоларини якиндан билдим. Такдир такозоси билан кейин шу заводга рахбар бўлдим. Қийналмасдан ишни олиб кетишимда ўша пайтдаги ўрганганларим қўл келди, деб ўйлайман. Бунинг учун шундай одамнинг қул остида ишлаш шарафига эга бўлганимдан Худога шукур киламан. Айтмоқчиманки, у киши қўл остидагилардан масалани холис, ҳаққоний, мукаммал ўрганиш-

ни талаб қиларди. Бу эса қабул

қилинажак ҳар бир қарорнинг

хаётийлигини, халкчиллигини

латларнинг нуфузли компаниялари қатнашмоқда. Шу мақсад учун бир миллиард 300 миллион АКШ доллари микдорида сармоя сарфланиши кўзда тутилмокда.

- Ислом Каримов 1993 йили Муборак газни қайта ишлаш заводига келганида, - дейди Нуриддин Зайниев, топширик берганди. Биринчидан, завод кувватини йилига 30 миллиард кубметрга етказиш, иккинчидан, маҳаллий кадрлардан мутахассислар тайёрлаш. Учинчидан, одамларга қулайликлар яратиш, завод атрофи-

ни. Муборак шахрини ободонлаштириш. У кишининг хамма айтгани бўлди. Ёшлар чет элларда ўқиб келишди. Бугун ана шулар заводда иш-Масалан. ламоқда.

Умаров АҚШда тахсил олган, Швейцарияда бўлган. Хозир заводда бош мухандис бўлиб ишламокда. Цех бошликлари, мутахассисларнинг аксарияти хорижда ўқиган, малакасини оширган. Худди шундай Кўкдумалок кони бошлиги Шермат Шамсиев, Ўртабулоқ кони бошлиғи Алишер Мустафоевлар ҳам Америкада ўқишган. Бундай ёшлар жуда кўп. Бунинг хаммаси нимадан? Президентимизнинг нефть ва газ саноатини ривожлантиришга доимий эътибори натижаси бу Шу туфайли оддий оператор Бўрон Рўзиевга «Узбекистон Қахрамони» унвони берилди. Шуниси қувончлики, 2005 йилда мамлакатимизда газлаштириш 85 фоизга, Қашқадарёда эса 100 фоизга етказилади. Хўш, кайси мамлакатда шундай кўламда халққа қулайлик яратилмоқда? Хеч қайси жойда. Шуниям айтиб қўяйки, кўп жойларда заводлар тўхтаб қолмоқда ёки тўла қувват билан ишламаётир. Муборак газни

қайта ишлаш заводининг эса қуввати ошди. Бу нимадан далолат беради? Бу мамлакатимиз жадал тараккий этаётганининг ёркин далилидир.

Шундай. Буни ҳар бир тоза виждонли киши хис қилиб турибди. Яна шуни хам сезиб турибдики, Президентимиз орзу қилганидек хадемай ривожланган Европа давлатларидаги кишилар каби ҳаёт кечирамиз. Бу аник. Президентимизнинг Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасини тинглаган, журналистлар билан сухбатини эшитган одам борки, бунга ишонч хосил қилди. Юракда бир ўт пайдо бўлди. Мана шунинг учун «Биз факат Ислом Каримовга овоз бердик» — дейди «Муборакнефтгаз» конлари бошқармаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртангаз, Шўртан газ кимё мажмуида ишлаётган қай бир одам билан гаплашманг. Ва Ислом Каримов билан нақадар фахр-ифтихор қилишларини хам яширмайдилар. Чунки улуғ шоиримиз Абдул-

ла Орипов ёзганларидек: Дедилар: Жахонга буюк Юртбоши, Парвоз айлаганди кайси мазводан? Жавоб бердиларки, хурлик қуёши, Балкканди, даставвал Қашқадарёдан, Даставвал, даставвал Қашқадарёдан.

Ана шунақа, Қашқадарёдан балққан қуёш бутун Ўзбекистонга зиё, ёгду сочмоқда. Унинг зиёсидан нафақат бугунги авлод, балки келажак насллар ҳам баҳраманд бўлиши аник.

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Оила бой — давлат бой

ONTHAPHKANK

ТАДБИРКОРЛАР

ЎЗ ТАШАББУСКОРЛИГИ, ИШБИЛАРМОНЛИГИ

ТОПГАНИНГИЗ ТЎЙГА БУЮРСИН...

Пири бадавлат кексаларнинг суйган дуолари бор: «Топганингиз тўйга буюрсин». Мамажон ота ҳар йили ерга уруғ ташлаш арафасида углини шу дуо билан «сийлар» эди. Отанинг 🛮 ҳикматлари бажо бўлди. Расулжон томорқадан топган даромадига бирйўла икки ўгли — Рустамжон ва Илхомжонларнинг бошини «икки» килди. Бири полосонлик, иккинчиси кукон-

и лик келинлар остона босиб саломга кириб ■ келганларида, бутун чарчоқлари езилади. Иил буйи кечаю кундуз, иссигу совук демай, килган мехнатларига мингдан-минг рози-ризолик

туяди. Интилган одам юзага чикишига Президентимиз Фаргонага ташриф буюрганда яна-

да ишонч хосил қилди. Ахир, ҳазил гапми, вилоятдаги ярим миллиондан зиёд дехкон хўжаиклари орасидан давлатимиз рахбари фахр билан Расулжонинг номини тилга олиб турса? Мавжуд 14 сотих ердан нақд 1 миллион сўм фойда кўрганлиги бутун юртга овоза бўлса!..

Албатта, буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан бўлгани йўк. Олтиарикда ака-ука Хомиджон ва Расулжон Мамажоновларнинг бодрингчиликда ўзига хос мактаб яратишганини хамма тан олади. Айтишларича, бу оилада кора бодринг етиштириш тарихи аср билан бүйлашар экан. Күпчилик бодрингни парваришлаш сир-асрорларини Мамажоновлардан ўрганганини фахр билан айтиб юради.

Оила томорқаси Олтиариқ шароитида ўртамиёна. Уй-жойлар билан хисобланганда 14 сотих. Шундан 10 сотихида дехкончилик килинади. Пешайвон, ховли олди, куча ва йул буйларига узум экилган. Ховлининг чор-атрофи эса хурмо дарахтлари билан қуршаб олинган. Бошқаларидан фарқ қилмайдиган шу оддий томорқа халол мехнат, изланиш ва ташаббускорлик туфайли хонадонга шухрат келтирди, Юртбошимизнинг эҳтиромига сазовор бўлди.

Томорқада йил бўйи ҳаёт ҳайнайди. Бир йилда уч марта хосил олиш тажрибасини хам Олтиариқ худудига шу хонадон ёйган. Хали хамал кирмасдан иссикхонада, махсус тувакчаларда бодринг кучатлари ниш уриб колади. Кун исиши билан кўчатлар сунъий ойнаванд далаларга кўчирилади. Бу ёги — машаққатли мехнат. Тасаввур килинг, одатдаги эгат катига тортилган плёнка остида тиззалаб юриб, хар бир кўчатни ардоклаш, парваришлаш, ишлов 🛙 беришнинг ўзи бўлмайди. Қирқ-қирқ беш кун - биринчи ҳосил узилгунга қадар деҳқон томорқада ухлаб, томорқада яшайди.

Очиқ майдонлардаги ҳосил йиғиштириб олиниши билан пушталарга маккажўхори уруғи ташланади. «Дала маликаси» бодринг палаклаирини забтига олаётган куёш тигларидан химоя килади, хашаротларни якин йўлатмайди, бахорнинг довдир шамоллари йўлига гов бўлади.

Август ойининг ўрталарига келиб, бодринг ва маккажухоридан бущаган ерларга турп экилади. Учинчи экин совукда шира бойлагач, кеч кузда йигиштириб олинади. Бу жараён узлуксиз.

...Расулжон Мамажонов галвирни сувдан кўтарди. Бодрингдан олинган даромад ярим миллиондан ортиб кетди. 1,5 тонна узум эса ▮ 300 минг сўм фойда келтирди. Бунга макка дони, турп, хурмодан тушган даромад хам кушилса, жами бир миллион сумдан зиёдрок-

Хонадонда қозирдан янги қосил тадориги кўриляпти. Турпдан бўшаган майдон чукур ағдарилди. Етарли шарбат тайёрлаб қуйилди. Узум, хурмо кўчатлари қиш олдидан ишловдан чиқарилди.

- Меҳнатинг қадр топса, шунинг ўзи катта бахт, - дейди Расулжон Мамажонов, - Юртбошимиз биз оддий дехконларнинг бошини силаган экан, у кишини Яратганнинг ўзи ардокласин. Оиламиз, қариндош-уруғларимиз, махалла-куй билан сайлов куни Президентимиз учун қувона-қувона овоз бердик.

ЁКУТЛАРНИ ЛОЛ КОЛДИРГАН ЎЗБЕК

Олтиариклик тадбиркор Солижон Мирзажонов якинда олис Сибирдан, туркий кавмлар юрти — Екутистон сафаридан қайтди. Унинг ортидан келган ажойиб хушхабар эса нафақат Олтиариққа, бутун вилоятта яшин тезлигида тарқалди.

Солижон ҳожи Олтиариҳнинг сара узумларидан 14 тоннасини минг машаққат билан Екутистон Республикасининг пойтахти Якутск шахрига сотиш учун олиб боради. Ташқаридаги

> ража пастда. Тупурган тупугинг ерга туш-май яхлайди. Бозорлар, дўконлар деярли бўм-бўш. Узбек заминининг олтиндай говланаётган | зумларидан совук шахар бир яшнаб кетгандай бўлди. Узумнинг учдан икки кисми сотилганда, Солижон ту-

хаво симоб ус-

тунидан 40 да-

БИЛАН ЭЛГА ИБРАТ БЎЛМОКДАЛАР шумни хомчўт қилиб кўрди. Хамма сарф-харажатлар қопланиб, мумайгина даромад хам тушибди. Уша кунлари телевизорда Капитановск шахридаги етим болалар уйи, тарбияланувчилари ҳаёти намой-

> чехраси сўлғин, улар илиқ сўзга, мехрга зор Бу манзарадан Солижоннинг мижжасида ёш қалқиди. Тижоратни йиғиштириб, Ёқутистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири хузурига йўл олади. Солижон ҳали сотишга улгурмаган салкам 5 тонна узумни болалар уйлари. ногиронлар мактаблари, махсус шифохоналарга хайрия қилиш таклифини айтганда, вазир Ю.

> иш этилади. 250 нафардан зиёд гўдакларнинг

А. Песковская унинг сўзларига ишонмай, хангманг бўлиб колади... Уша куни Якутск шахридаги ижтимоий мухофазага мухтож муассасаларда байрам бўлиб кетди. Вазирлик таркибидаги 24 та муассасанинг 2500 дан зиёд тарбияланувчилари, даволанувчилари, ногирон ва кўзи ожизлар, кар-соқовларнинг ҳар бирига 1,5 килограммдан ши-

рин-шакар узум тортиқ қилинди. Бу воқеага дастлаб мен ҳам унча ишонқирамадим. Ахир, узум Новосибирск шахригача Со-лижоннинг «Мерседес-Бенц» хусусий юк машинасида олиб борилган. У ёгига транспорт йўли йўқ. Узумнинг 4 тоннасини вертолётда қолганини поезд-пароходга ортиб, минг азоб билан олиб борган одам даб-дурустдан хайрияга топшириб юборса-я? Шундай мулохаза билан Екутистонга — инсонпарварлик масалалари билан шуғулланувчи хукумат комиссияси-

га қўнғироқ қилдим. Комиссия масъул котиби Н. Е. Гаврилова менинг Фаргонаданлигимни эшитибок: «Эй, Солижоннинг ҳамюртимисиз!» дея қувониб кетди. Юртдошимизнинг саховати, мехр-мурувватидан бутун ёкутистонликлар боши осмонга етганлигини кайта-кайта такрорлади. Вазирликка, республика телевидениесига, газеталар мухарририятига хамон миннатдорчилик хатлари

келиб турганлигини таъкидлади. Солижон ҳожи Мирзажонов, билсангиз Олгиарикнинг эъзозли одамларидан. Утган йили Шохимардонда фожиа руй берганда, табиий офатдан азият чекканларга 500 минг сўмлик озиқ-овқат инъом қилди, шахсий юк крани, автомашиналари талофот оқибатлари батамом тугатилгунга кадар бепул хизмат курсатди.

Солижон икки йил аввал Германиядаги машхур «Мерседес-Бенц» компаниясидан шахсий буюртмаси бўйича 14 тонналик юк машинаси сотиб олган эди. Салкам 300 минг доллар турадиган бундай машинани хамдустлик мамлакатларидан бирортасида учратмайсиз. Хозир фидойи-тадбиркор азалий орзуси — Якин Шарк мамлакатлари бозорига Олтиариқ бодринги, узуми, Германияга эса турп олиб бориш режасини амалга ошириш тадориги билан юрибди.

Саховатпеша, қули очиқ инсонларнинг ошиғи камиша олчи. Юртбошимиз вилоят кенгаши сессиясида Солижоннинг номини алохида хурмат билан тилга олганлиги ҳам шунда.

Олтиарикликлар ўтган йилнинг ўзида четга миллиард 200 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик махсулотлари чикаришди. Бу икки йил аввалги кўрсаткичдан тенг баробарга кўп. Айтишларича, йилига 1 миллион сўмдан зиёд даромад олаётган хонадонларнинг сони 1000 дан ортибди. Бу, аввало, мустакиллик, колаверса эркин мехнат ва тадбиркорликнинг амалдаги самарасидир.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

ОЙДИН ИЗЛАР

таъминларди. Шуниси ҳам борки, уларнинг ижросини шахсан кузатарди. У киши ишлаб чарчамасди. Масалан, мени тунги соат иккида қабул килиб, юкорида тилга олинган хатни кўриб чиққан. Шундай бўлсада, ўз ишидан қониқмасди. Хамиша харакатда бўлишга ундарди. Узи шахсан намуна

кўрсатарди. Юртимиз мустақил бўлгач, Юртбошимиз нефть ва газ саноатини ривожлантиришга алохида эътибор берди. Шу туфайли Муборак газни кайта ишлаш заводида 12, 13,14,15-блоклар қурилиб, ишга туширилди. Бир йилда 8 миллиард куб метр газни қайта ишлайдиган ва олтингугурт ажратиб олинадиган суфрин қурилмаси барпо этилди. Кўкдумалокда кунига 18 миллион кубметр газни ҳайдайдиган компрессор станцияси қуриб битказилди. Айни пайтда Шўртан газ кимё мажмуи қурилиши жадал бормоқда. Унинг қурилишида АҚШ, Германия, Япония, Италия ва бошка дав-

> ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАГИШЛАНДИ

> > Тошкент вилояти фаоллари нинг жиноятчилик, турли хуқуқбузарликларга қарши кураш, эл-юрт осойишталиги ва тинчлигини мустахкамлаш, экстремистик ва ақидапараст гу рухлар кирдикорларининг олди ни олиш бўйича ўтган йили бажарилган ишлар якуни ва галдаги вазифаларга багишланган йигилиши бўлиб ўтди. Унда ша-хар ва туман хокимларинин ўринбосарлари, хукуқ-тартибот идоралари, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари вакиллари, махалла оксоколлари иштирок этди.

Йигилишда вилоятда ахоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидмонилан солир этилаетган жиноятлар сони сезиларли даража да камайди. Бирок, афсуски, ай рим холларда дунёкараши шаклланмаган ёшлар диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолмоқда. Сўзга чиққанлар жиноятчи-

ликка, экстремизм ва акидапарастликка карши курашни кучайтириш, ёшларни миллий ис тиклол, она-Ватанга салокат рухида тарбиялаш зарурлигига эътибор қаратдилар.

Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.

лишмоқда. Шу кунларда уюшма пахта далаларида бўлсангиз елкасида кетмон

кўтариб дала кезиб юр-

ган дехконларга дуч кела-

сиз. Улар 2000 йил хосили

Мирзаобод тумани Дехконобод ширкатлар уюшмаси дехконлари хар йили давлатга пахта топшириш режасини ортиғи билан бажариб ке-

Машъум 16 феврал вокеалари бизни сергак торттир-

Биз ёшларимиз тафаккуридаги бўшликни тўлдириши-

ди. Огохликка даъват килди. Орамизда Мустакиллик

миз керак, дедилар Президентимиз. Илму маърифат би-

ЯНГИ

ХОСИЛГА ЗАМИН

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

нинг шўрини ювиш ишлаоини жадаллик билан олиб боришмоқда. Бу ишга хўжаликдаги 90 нафар сувчи сафарбар қилинған. Айни пайтда шўр ювиш ишлари нихоясига етай деб қолди. СУРАТЛАРДА: шўр

учун 1207 гектар майдон-

ювиш пайти; Дехконобод ширкатлар уюшмаси ижа-рачиси 75 ёшли Расул бобо Болтабоев; сувчилар Дилшод Ахмедов ва Исокжон Жалолов.

рига ағдариб олишга уринмоқдалар. Уларнинг энг катта хатарли томони шундаки, ёшлар тарбиясида хосил бўлган бўшликдан фойдаланиб, онгини захарлашта уринадилар.

лари, жамоат ташкилотлари, махалла, ота-оналарнинг саъйхаракати натижасида шаклланади. Мазкур бўгиндан биттасининг лоқайдлиги ҳам ўша комилликка заха етказали. Заха етган жой эса тез фасод боглайди. Бинобарин, бу

Аъзам (рахматуллохи алайх) асос солган ҳанафийлик мазхабига хурматсизлик билан қарайдилар. Юртимиз мусулмонларининг энг тўгри йўли саналмиш Ханафий мазхабида эканликларидан фахрланиш ўрнига, бошқа заиф мазхаб ва бузгунчи оқимларни қуллаб-қувватлайдилар. Ахир бу хиёнатнинг ўзи эмасми?!

Ханафия мазхаби дунёда

энг кенг тарқалған мазхаб

бўлиб, манбаларга кўра,

хозирги кунда унга 500 мил-

лион нафардан ортик мусул-

мон эргашади. Марказий

Осиё, шу жумладан, Ватани-

миз мусулмонлари 1300 йил-

дан буён эътикод ва хукук ма-

салаларида Ханафия мазхабига

тобеъдурлар. Бу мазхабнинг

оламда кенг тарқалишига са-

баб, аввало, унинг халкчил

лиги бўлса, иккинчидан, Ис-

лом тарихидаги Багдод ва Ус-

монийлар халифаликларида

диний, хукукий ва ижтимоий

сохалардаги барча масалалар-

ни хал қилишда шу таълимот

қонун-қоидаларига суянилган-

лигидир. Амир Темур ва Бо-

бурийлар давлатида хам дин-

га тааллукли ишлар Ханафия

ват хамиша бонг ургандек янграб туриши керак. Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебахо қадриятлар — ўз мустакиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фукаролар ўртасидаги тотувликни асранг. Уз эркимизни тасарруф этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги хаддан зиёд хавф-ха-

тардан саклаш хар биримизга Юртбоши-

мизнинг узоқни кўзлаб айтган бу сўзларидан бир нарса англашилади: хотиржамлик, локайдлик энг катта за-

ифлик. Душман ҳамиша заиф томонни кўзлайди. Бугунги кунда улар мафкурамизга тажовуз қилишяпти. Бундан шундай хулоса чиқади: демак, улар мафкурамиздаги қандайдир «бўшлиқ»ни топишга улгуришган. Президентимиз ҳар қандай ёт тахдидларға бўй бермайдиган, шўронинг гард-чангларидан холи мустақиллик мафкурасини яратиш лозимлигини бежизга бот-бот уқтирмаяптилар. Бу иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида хам яна таъкидлаб ўтилди. Шундагина жамиятимизнинг пойдевори мустахкам ва барқарор бўлади. Мазкур ишнинг натижаси эса юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар биримизнинг

саъй-харакатимизга боглик. Мусохабадан

— Бугунги кунда уламолаимиз жахолатпарастларга қарши курашда нималарга эъти-бор беришлари лозим деб биласиз?

 Бир аччиқ ҳақиҳатни айтишга тўгри келади. Биз бамайлихотирликка берилиб

кетган эканмиз. Кези келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, йўл қўйилган мана шу лоқайдлигимиз сабабли, тинчлигимизга рахна солувчи окимларнинг таъсири кучайди, деб ўйлайман. Энди етар, кенг халқ оммасига бу оқимларнинг кирдикорлари ҳаҳида очик-ойдин айтиш жамиятимиздаги барча маърифатчи кучларнинг, айникса, биз диний уламолар ва имом хатибларнинг мухим вазифамиз бўлмоги керак. Ислом дини ва азалдан ота-боболаримиз амал қилиб келган Имоми Аъзам мазхабининг асл мохиятини кенг очиб берадиган хамда муқаддас динимизга ёт бўлган турли бузгунчи оқимларнинг гаразли максадларини фош этиш учун барча имконларни ишга солиш, ҳаракатларни мувофиклаштириш лозим.

Бу табаррук заминда яшаёттан қалби пок қар бир инсон азиз она-Ватанимиз олдидаги фукаролик бурчларини яхши англаб олмоклиги керак. Мустақиллигимиз ва тинч-осуда ҳаётимизга раҳна соладиган ҳар қандай кучга ва жахолатга қарши қатьият билан курашмогимиз лозим.

BA HMXDAT

Алишер Навоийнинг «Агар огох сен-сен — шох сен-сен» мисраси теварагидаги мушохадани сўнгсўз ўрнида келтирмокчи эдим. Зохиран, «огохлик шохликка етказади» дейишади. Аслида газал мулкининг султони ушбу мисрада кўнгил шохлигини назарда тутадилар. Зеро, кўнгил шохлиги — комиллик белгиси. Демак, огохлик комилликка элтувчи йўл. Юртбошимиз қуйган мақсад аниқ: комил инсон. Комил жамият. Бинобарин, огохлик шу мақсад сари пиллапоядир.

Асқар ШОКИР, «Халқ сўзи» мухбири.

лан, юртга, халққа, мустақилликка мухаббат туйғуси билан. Токи, ёт оқимлар авлодлар онгини эгаллаб олмасин. Дарвоке, бу иш бир кунлик эмас, кундалик вазифамиз хисобланади. Айникса, маърифат ўчокларининг бу борадаги масъулияти катта.

нега шундан

ғанимлари хам борлигини курсатди.

БУЛДИ? Саратоннинг сели анча товсилиб қолған махаллар эди. «Отчопар» бозоридаги лоимо «гувиллаб» турувчи одамлар окими бирдан пароканда тортиб кетди. Худди булокдаги сувга «чўлп» этиб кесак тушгандай. Мулласифат кийинган, кўриниши ҳам шу тахлитдаги уч-тўртта йигитча айюханнос солиб, ўзларича дину диёнатта даъват эта бошлади. Бу ҳам етмагандай, қўлларидаги варақаларни ўтган-кетганга қистиришар-

Машъум феврал вокеаларининг асоратлари хали юракдан батамом ўчмай туриб, содир бўлган ходиса бу. Унинг қандайин интихо топгани купчиликка маълум. Шунинг учун ўзимизга-ўзимиз: «Кейин нима бўлди?» деб эмас: «Нега шундай бўлди?» деган саволни берамиз. Дархакикат, нега шундай бўлди? Динни никоб қилиб олган, мақсади тинчлигимиз, осойишталигимизга рахна солиш бўлган бир ховуч тўданинг асл башараси очиб ташланган бир пайтда. Кандай килиб ёшларимиз яна уларнинг манфур ботқоғига бота бошлади? Сабаблари ни-

мада? Илдизлари қаерда? Аслида бу саволлар 16 феврал вокеаларидан кейин кескин күйилган эди. Президентимиз томонидан туб мохияти очиб хам берилганди. Бу йўлда талай ишлар қилинди. Кейин... Кейин «гув» этиб эсган самум шамоли пировардидаги каби бироз хотиржамлик сезила бошланди. Бу эса, шубхасиз, бикиниб ётган унсурларни

яна гимирлатиб қуйиши тай-

Узбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид кори Бахромов хазратлари билан мусохабада бўлиб, юқоридаги саволларга жавоб излаб кўрдик.

Мусохабадан

Муфтий хазратлари, диний экстремистларнинг кирди-корлари феврал вокеалари билан чекланиб қолған эмас. Онда-сонда бозорларда, транспортларда варақалар, адабиётлар тарқатиш қолатлари руй бериб турибди. Баъзи ёшларимиз билиб-билмай алдовларга учиб қоляпти. Бунинг сабаби ёшларимизда диний маърифатнинг етишмаслигида эмасмикан? Бисмиллохир рахмонир

рахийм!

Аллох таолонинг неъматлаичида шундай улуг бир неъмат борки, бу истиклолдир. У бизларга эътикод хурриятини берди. Диёримизда истикомат килувчи мусулмонхакикий эркинликни хис эта бошладилар. Республика рахбарияти томонидан мусул-

монларнинг диний маросимларни камоли хуррият билан адо этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмокла. Жумладан, муборак Хаж сафарига борувчи хожиларимиз учун, катта қулайликлар муҳайё қилиниши, ҳайит кунларининг дам олиш кунлари деб эълон килиниши ана шундай эъти-

Маърифат манзиллари

Биз бундай бузгунчи окимларга карши муросасиз кураш

ОГОХ БЎЛМОК САБОГИ

ёки Навоий бобомиздан уққанларим

бор намунасидир.

Афсуски, сўнгги пайтларда ана шу эркинликлардан

ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишта уринувчилар ҳам пайдо бўлиб қолди. Юртимизда хориждан кириб кела бошлаган турли бузгунчи оқимлар — ислом фундаментализми, экстремизм, миссионерлик куринишлари намоён бўла бошлади. Улар гаразли максадларини амалга ошириш учун турли йўллар билан соддадил халқимизга ўз таъсирларини ўтказишга ҳаракат қилдилар. Турли жиноятлар ва террористик харакатлар содир этиш йўли билан эл тинчлигини бузишта уриндилар. Уларнинг асл максади хукуматпарастлик, яъни давлатни қулга олишдан иборат эди. Бунга ўз вақтида зарба берилди ва уларнинг пайи киркилди. Лекин бу, бузгунчи окимлар батамом тугатилди, дегани эмас. Улар яна турли намоён кўринишларда лмоқда. Шулардан бири «Хизбут-тахрир» дир. «Хизбчилар» соддадил халкимизни,

айникса, ёшларимизни ўзла-

олиб бориб, уларнинг келиб чиқиш тарихи, асл башараси, гоявий максадлари хакида яхши билишимиз ва гаразли кирдикорларини кенг халк оммасига атрофлича тушунтириб беришимиз лозим.

KOMNAANKKA BAXA ETGA...

«Жахолатга қарши маърифат». Президентимиз ўртага ташлаган шиор бу. Дарвоке маърифатнинг ўзини қандай тушунамиз? Қори Низомиддин бин Мулла Хасан «Илми ахлок» китобида шундай ёзади: «Маърифат уч наъвдур: дин маърифати, хуш ахлок маърифати, илм маърифати».

Ана шу уч наъв (тур) тажассумидан комил маърифат шаклланади. Демакки, жахолатга қарши жохиллик билан кўр-кўроналик билан эмас балки маърифат, аникроги комил маърифат билан курашмок лозим

Куриниб турибдики, бундай маърифат диний уламолар, таълим-тарбия муассасабўгинларнинг барчаси жахолатга қарши курашда ўз масъуллигини сезиши керак, саъйхаракатларини ўзаро мувофиклаштиргани маъкул.

Мусохабадан — Бугунги окимлар дин номилан иш юритишмокда. Вахоланки, уларнинг гоялари ис-

лом акидаларига мутлако мос

